

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва Спорт Ишлари
Вазирлиги**

Ўзбекистон Давлат Санъат Институти

“Санъатшунослик” кафедраси

**Радиода санъат масалаларининг ёритилиши
(“Ўзбекистон” радиоканали мисолида)**

**“Санъатшунослик - журналистика” бўлими 4 – курс талабаси Азимов
Анвар Ҳабибуллаевичнинг малакавий битирув иши.**

Курс раҳбари:
Санъатшунослик фанлари
доктори, профессор
Т.Турсунов.

Илмий раҳбар:
“Санъатшунослик” кафедраси
катта ўқитувчиси
Т.Қозоқбоев

“ ” _____ 2008 йил

“ ” _____ 2008 йил

Тошкент – 2008

Мундарижа.

Кириш.....3 – 12 бетлар

Асосий қисм

1 – боб. “Ўзбекистон” радиоканали дастурларида
санъат талқини.....13 – 35 бетлар

2 - боб. Радиомухаррир маҳорати.....36 – 48 бетлар

Хулоса.....49 – 54 бетлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....55 – 56 бетлар

“Ҳақиқий журналист ким учун хизмат қилади, ким учун жонини жабборга беради, ким учун ҳаётини таҳдид остига қўяди? Мана шу заҳматкаш халқ учун, унинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун. Шу табаррук тупроқ, шу муқаддас Ватан учун”¹.

И.А.Каримов

Кириш

Бугунги кунда жамиятнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислохатлар инъикосини нафақат ижтимоий-иқтисодий соҳада, балки маданий-маърифий соҳаларда ҳам кўриш мумкин.

Миллатнинг маънавияти, ўтмиши ва қадриятлари унинг азалдан шаклланиб, сайқал топган санъатида мужассам. Шундай экан, санъат миллатнинг қай даражада маданий меросга эга эканлигидан дарак беради. Ушбу мезоний тушунча негизида, халқнинг эзгу истаги, миллий мафкураси, тарихи ва бугуни акс этмоғи лозим. Бир сўз билан айтганда, санъат миллат маънавиятини тарғиб этувчи восита саналади.

¹ www.press-servise.uz.

Ўзбек санъати тарихи ўзининг кўп асрлик тараққиёти давомида мураккаб ижодий йўлни босиб ўтгани барчага аён. Бунинг боиси эса санъатнинг асосий вазифаси жамиятдаги мавжуд камчилик ҳамда иллатларни очиб бериш ва шу йўл билан муҳитни улардан тозалашдир. Ана шу мураккаб вазифа санъатнинг ривожланиш йўлида ўзига хос ғов бўлган. Биз биламизки, санъат жамиятдаги мавжуд муносабатларда ифода топиши ва шунга қараб ривожланиши керак. Бизнингча, маънавий ва маърифатни шиор қилган жамиятда санъат соҳасида кечаётган ҳар бир янгилик ва ўзгариш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, бир томондан маънавий меросимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз қайта тикланаётгани, бошқа томондан эса, ҳаётимизга умумбашарий қадриятлар кириб келаётгани оламдаги ижтимоий воқелик манзарасини тубдан ўзгартириб бормоқда. Бинобарин, бугунги кунда жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ этиш, миллий қадриятларни қайта тиклаш, мавжуд воқеликка бутунлай янгича муносабатда бўлишни талаб этади. Бундай вазиятда воқеликни тўғри илғай оладиган, унга ҳолисона муносабатда бўладиган журналист кадрлар лозимлиги инобатга олинган ҳолда давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор қарор ва фармойишларнинг қабул қилинганлигини таъкидлашимиз лозим. Жумладан, 1996 йил 7-май куни эълон қилинган, “Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва айнан шу йилнинг 24-май куни эълон қилинган “Ўзбекистон телерадиокомпаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари ҳақида”ги, 1998 йилда қабул қилинган

“Оммавий ахборот воситали тўғрисида” ва 2005 йилнинг 8-ноябр куни эълон қилинган “Мустақил телерадиоканалларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда². Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар эса ўз навбатида радиожурналистика соҳасига бевосита дахлдор эканлигини уларнинг моҳиятидан англаш мумкин.

Турли даврларда тарғибот воситалари ҳам турлича бўлган. Ибтидода санъат тарғиботи учун омма тўпланадиган гавжум жойларда кўрсатилган томошалардан фойдаланилган бўлса, техник тараққиёт юксак даврда бу восита турлари ҳам ўзгача маъно ва шакл касб этади. Ана шундай тарғибот воситаларидан бири бу – радио.

Бугун миллий истиқлол мафкурасини фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш жараёнида санъат алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, санъат инсон маънавий дунёқарашини кенгайтирувчи ва бойитувчи, уни комиллик сари етакловчи мисоли бир йўлбошчи. Инсониятнинг эзгулик сари қадам қўйиши учун зарур ўзаро мулоқотлар воситаси бўлган санъат – миллатларни ва элатларни боғловчи ришта ҳамдир.

Демократик жамият қуриш йўлидан жадал одимлаб бораётган халқимиз учун мафкура тарғиботида муҳим ўрин тутувчи тушунчалар аҳамиятлидир. Ушбу тушунчалар ичида инсонга энг самарали таъсир ўтказиш воситаси санъатдир. Демак, санъатнинг нафақат маънавиятга, балки иқтисодиётга, сиёсатга ҳам тенг таъсир ўтказиш хусусиятини назардан четда қолдирмаслигимиз лозим. Миллий

² www.mtrk.uz

мафкурани омма онгига сингдириш муҳим вазифа саналар экан, демакки, ана шу жамиятда оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланади. Юқорида қайд этганимиздек, санъат орқали инсон онги ва шуурини маҳв этиш учун уни етказиб берувчи воситага эҳтиёж сезилади. Ана шу эҳтиёж асносида қарор топган оммавий ахборот воситаларидан энг тезкори шубҳасиз, бу радиодир. Радио тарихига назар ташлар эканмиз, соҳа фаолиятининг санъат билан бевосита боғлиқ эканлигига гувоҳ бўламиз.

Маънавият ва маърифатга даҳлдор ҳар қандай тушунча борки, кўп ҳолларда ўз замонаси забонида куйланади. Яъни, мафкуранинг том маънодаги яловбардорига айланади. Лекин асл санъат ҳар қандай жамиятда ҳоҳ у демократик, ҳоҳ у тоталитар бўлсин фақатгина эзгулик учун хизмат қилади.

Ўтган асрнинг фожеаси сифатида эътироф этиладиган Собик тузум даврида санъатнинг ибтидодан бери ўзгармай келаётган мавзуси эврилишларга юз тутди. Бунда оммавий ахборот воситалари хусусан, радионинг эркин фаолият олиб бориши учун тўсиқлар вужудга келди. Шунга қарамасдан, ҳур фикрли инсонларнинг заҳматли меҳнати эвазига санъатнинг радиодаги талқини холислик меъёрларига мувофиқ ёритилди.

“Ўзбекистон” радиосининг 80 йиллик тарихига назар ташлар эканмиз, унда фақатгина ижтимоий-сиёсий воқеликларгина эмас, балки маданий-маърифий мавзулар хусусан, санъатнинг четда қолмаганлигини эътироф этишимиз керак.

Истиқлол шарофати туфайли оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият олиб бориши учун етарлича имкониятлар яратилди.

Зеро, эркин сўз демократиянинг асосий тамойилларидан биридир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “жамиятимизнинг бугунги ҳаёти ОАВда ҳолисона аксини топиши зарур. Шундагина адолат ва тўғрисиқлик муҳити ҳукмрон бўлади. Халқ фикрини очиқ-ойдин ифодаловчиси демократиянинг муҳим таянчи бўлганлиги боис, давлат бошқаруви органи оммавий ахборот воситалари билан ҳисоблашишга, уларнинг тақлифларини ҳисобга олишга мажбурдирлар. Шу сабабли ҳам шундай юксак мавқега эга бўлган оммавий ахборот воситалирини рамзий маънода “Тўртинчи ҳокимият” деб юритамиз”.

Бош қомусимизнинг 67-моддасида ҳам “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”³ дейилган. Ушбу модда мазмунидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган ҳар бир журналистнинг ҳуқуқ ва эркинликлари конституциямиз билан муҳофаза этилади. Бу эса ўз навбатида журналистик фаолиятнинг янги қирраларини очишга ҳуқуқий замин яратади.

Бугунги кунда республикамызда 900дан зиёд газета ва журналлар ва 100га яқин давлат ва нодавлат телерадиостудиялар фаолият кўрсатиб келмоқда.

XXI аср ахборот глобллашуви асри эканлигини барчамиз билиб, кўриб турибмиз. Демакки, ҳар бир радиожурналист бу вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда иш юритмоғи керак.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.; “Ўзбекистон”, 2003 й. XV боб, 67-модда, 13-бет.

Ҳозирда Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясида тўртта радиоканал жумладан, “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Машъал”, “Тошкент” каналлари фаолият юритмоқда. Албатта, уларнинг ҳар бири ўзига хос услуб ва йўналишларга эга.

Малакавий битирув ишимизнинг мавзуси “Радиога санъат масалаларининг ёритилиши” бўлиб, уни “Ўзбекистон” радиоканали мисолида кўриб чиқамиз. Ушбу мавзу доирасида эса, “Ўзбекистон” радиоканали дастурларида санъатнинг ёритилиши, ундаги ютуқлар ва камчиликлар ҳақида таҳлилий ва танқидий фикрлар келтирилади.

Юртимиздаги биринчи радиоканал ҳисобланган “Ўзбекистон” канали, халқимизга информация, турли маълумотлар етказиб бериш билан бирга санъатни оммалаштиришда ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Қолаверса, у халқимизнинг ахборотга бўлган талаби ва эҳтиёжини қондиришда, унинг эстетик ҳамда маънавий дидини тарбиялашда ўзига хос ўринга эга.

“Радио – инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан биридир, унинг инсонга, жамиятга мўжизакор таъсир кучини бошқа бирор нарса боса олмайди”⁴ деб ёзган эди радио тадқиқотчилардан бири машҳур инглиз ёзувчиси Жон Уэйн.

Дарҳақиқат, радио ҳар бир инсон учун муҳим ахборотлар, куй-қўшиқлар ва дунёда содир бўлаётган воқеалардан энг тез хабардор қилувчи оммавий ахборот воситаларидан биридир.

Журналистикани ривожлантириш, ОАВни янада демократлаштириш бугун ҳукумат олдидаги устивор вазифалардан бирига айланган. Соҳага оид қонунчилик муттасил такомиллаштириб

⁴ “Садо” газетаси 2007 йил, 13-сон, 8-бет.

борилаябди. Энг сўнгги русумдаги замонавий техника ва технологиялар амалиётга тадбиқ этилмоқда. Бир сўз билан айтганда унинг тараққиёти учун зарур бўладиган барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу каби имкониятлардан ўз навбатида “Ўзбекистон” радиоканали ижодкорлари ҳам унумли ва ўринли фойдаланишмоқда. Натижада эфирга узатилаётган эшиттиришлар сони ва сифати ортиб, энг асосийси, уларнинг мазмун моҳияти ҳозирги давр талабига жавоб бераябди деб айтиш мумкин.

Мавзунинг долзарблиги. Юртимизда мустақил телерадиоканалларни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳар томонлама ва холис ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришда мамлакатимизнинг оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш учун 2005 йил 8-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мустақил телерадиоканалларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат соҳада катта ўзгаришларни амалга оширишда ҳуқуқий замин бўлди. Унга кўра, Ўзбекистон телерадиокомпанияси Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси этиб қайта ташкил этилди. “Ўзбекистон” телеканали ва “Ўзбекистон” радиоканали негизида “O'zbekiston” телерадиоканали давлат унитар корхонаси; “Спорт” телеканали ва “Машъал” радиоканали негизида “Спорт” телерадиоканали давлат унитар корхонаси;

“Тошкент” телеканалли ва “Дўстлик” радиоканали негизиди “Тошкент” телерадиоканали давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Фармонга кўра, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Ёшлар” телеканалли ва “Ёшлар” радиоканали негизиди “Ёшлар” телерадиоканали ёпиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат тизимда кенг кўламда олиб борилаётган ислохатлар энг аввало инсон омили, унинг эҳтиёж ва манфаатларини ифодалашни назарда тутеди. Қолаверса, кўрсатув ва эшиттиришларнинг сифати ошишига, мустақил телерадиоканаллар ўртасида соғлом рақобат юзага келишига олиб келади.

“O'zbekiston” телерадиоканали эса республиканинг ички ва ташқи сиёсатидаги энг муҳим қарорлар, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида рўй бераётган демократик жараёнлар иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш, жамиятда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, инсон омили ва унинг манфаатлари устиворлигини таъминлаш, шунингдек, чет эл жамоатчилигини ҳар томонлама ва холис хабардор қилиб бориш мақсадида фаолият юритади. “Ўзбекистон” радиоканали эса юқоридаги устивор мақсад ва вазифаларни бажариш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш борасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ишнинг ўрганилиш тарихи. Малакавий битирув ишимизнинг мавзусига яқин бўлган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети журналистика факультетининг талабалари Д.Маматурдиев ва Н.Ҳакимоваларнинг диплом ишлари билан

танишиб чикдик. Жумладан, Дилшод Маматурдиев ўз малакавий битирув ишида (2006 йил) “Ўзбекистон” радиоканалида интервью олиш маҳорати борасида тўхталган бўлса, Нилуфар Ҳакимова эса (2006 йил) “Ўзбекистон” радиоканали болалар ва ўсмирлар эшиттиришларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр билдирган.

Биз улардан фарқли ўлароқ, “Ўзбекистон” радиоканали дастурларида санъат масалаларининг қай даражада тарғиб қилинаётганлиги ва шу йўналишда ижод қилаётган радиомухаррирлар маҳоратига асосий эътиборимизни қаратмоқчимиз.

Тадқиқот объекти. Малакавий битирув ишимизнинг объекти қилиб, “Ўзбекистон” радиоканалининг эшиттиришларида санъат масалаларининг ёртилиши, ҳозирги кундаги фаолияти ва мақсад - вазифалари ишимизнинг асосини ташкил қилади.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Малакавий битирув ишимизнинг “Ўзбекистон” радиоканалининг эшиттиришларида санъат соҳасининг ёритилиши ва муҳаррирларнинг маҳорати, уларнинг ютуқ ва камчиликларини ўрганишни мақсад қилиб олдик. Асосан, дастурларда санъат масалаларининг қай даражада тарғиб қилинаётганлигига эътиборимизни қаратиб, эшиттиришларнинг мазмун ва моҳияти ҳақидаги фикр – мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Ишнинг таркиби. Малакавий битирув ишимизнинг таркиби, кириш, 2 бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

“Кириш” қисмида асосан санъат ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимизда тутган ўрни хусусан, радионинг ўзига хослиги. Давлатимизнинг ОАВ фаолиятига доир қабул қилинган қонунлари ҳақида фикр юритилади. Асосий қисмнинг 1-бобида “Ўзбекистон” радиоканали дастурларида санъатга оид эшиттиришлар таҳлили ўрин олган. 2-бобда радио муҳаррирларнинг санъат соҳасини ёритишдаги маҳоратлари ва ундаги ютуқ ҳамда камчиликлари борасида гап боради. Ишимизнинг “хулоса” қисмида эса “Ўзбекистон” радиоканалининг фаолиятига кузатувимиз ва тадқиқотларимиздан келиб чиққан ҳолда, фикр-мулоҳазаларимиз ҳамда таклиф ва тавсияларимизни билдирамыз.

Ишнинг амалий ва назарий аҳамияти. Малакавий битирув ишимизнинг амалий ва назарий аҳамияти шундан иборатки, келажакда ушбу мавзу бўйича тадқиқот олиб борадиган ижодкорларга оз бўлса ҳам маълумот беради деб умид қиламыз.

1- Боб. “Ўзбекистон” радиоканали дастурларида санъат талқини.

Санъатга таъриф берганда, унинг ижтимоий онг шаклларида бири, инсониятнинг маънавий маданиятининг таркибий қисми, борлиқни маънавий англашнинг махсус тури дея эътироф этилади. Унинг турфа кўринишлари воқеаликни, ундаги ҳодиса ва ҳолатларни ўзига хос усуллар ёрдамида акс эттиради.

Инсоннинг бадиий - ижодий фаолияти ранг-баранг бўлиб, у санъат турлари ёки жанрларида намоён бўлади. Улар ўз навбатида қатор кўринишларга эга бўлиши мумкин. Умуман олганда, санъат дунёни бадиий-образли англашнинг умумий ва ўзига хос хусусиятга эга бўлган усуллар мажмуасидан иборат ижодий тизимдир. Ушбу ижодий ва тарихий тизимни ўзига хос ёритишда радионинг муносиб ўрни бор.

Радио ихтироси учун Нобел мукофотида сазовор бўлган Марко радиога шундай таъриф берган: “Радио бу - Оллоҳ томонидан яратилган товушдир. Радио ҳатто якка қолган одамнинг ҳам жонига оро киради, ҳамкор ва ҳамроҳ бўлади. Уни зериктирмайди, кўнглини хушлайди. Кўпчиликни буюк яратувчилик ишларига чорлайди. Узоқ-узоқларда бўлганларни ҳолидан хабар олади, бир-бири билан боғлайди”⁵. Дарҳақиқат, радио- инсон учун дунёни англаш йўлидаги бир воситадир. Оммавий ахборот воситалари ичида радионинг жамиятдаги ўрни беқиёс. Истиқлол йилларида мамлакатимиздаги

⁵ “Садо” газетаси 2007 йил, 13-сон 8-бет.

барча радиоканалларда ахборот узатиш бир мунча бойиб, тезкор тарзда тингловчиларга етказилмоқда.

Малакавий битирув ишимизнинг 1-боби “Ўзбекистон” радиоканали дастурларида санъат талқини” деб номланиши бежиз эмас, албатта. Чунки, мутахасислигимиздан келиб чиққан ҳолда, асосий диққат-эътиборни “Ўзбекистон” радиоканалининг эшиттиришларида санъат турларининг қай даражада ёритилаётганлигига қаратдик.

“Ўзбекистон” радиоканалидаги кундалик дастурларнинг катта қисмини “Кўнгилочар ва мусиқий” ҳамда “Маданий-маърифий ва бадий” эшиттиришлар муҳарририяти томонидан тайёрланаётган дастурлар ташкил қилади. Бу муҳарририятларнинг асосий мақсад ва вазифалари тингловчиларнинг маънавиятини бойитиш, уларнинг бадий ва мусиқий тафаккурини ўстириш, миллий қадриятларимизни эъзозлашга, уларнинг аҳамиятини ҳис этишга ўргатишдан иборатдир.

Инсоннинг маънавий дунёсини бойитадиган санъатнинг ўзига хос ўрни бор. Уларни севиб тинглаймиз, томоша қиламиз ва завқланамиз. Ана шу санъат турларидан – театр санъати алоҳида аҳамиятга эга. Ҷамоатчилик театр санъати тўғрисида фикр билдирар экан, улар асосан театрни маънавий озуқа ўчоғи деб билишади. Шу билан бирга театрни эзгу амалларга чорловчи, томошабинни руҳлантирувчи, дунёқарашини кенгайтирувчи, ўз навбатида ҳордиқ чиқарувчи маскан дея таъриф беришади. Ҳақиқатдан ҳам, театр инсонни том маънода покловчи даргоҳдир.

“Ўзбекистон” радиоси театр санъатини қайтадан мухлислар юрагига яқинлаштирган ва янгидан кашф этган даргоҳ десак

муболаға бўлмайди. Театр санъати ҳаётни борлигича гавдалантириб берса, унинг микрофон орқали тингловчи эътиборига ҳавола этилиши ўзига хос масъулиятни талаб этади. Чунки, сахнада бўлаётган воқеа - ҳодисаларни кўриб тушуниб олиш мумкин. Радиоспектаклларнинг хусусиятлари эса, бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодиса ёки ўзаро муносабатлар овоз орқали, товуш ва техник эффектлар билан тингловчига етказиб берилади. Шунинг учун ҳам, баъзан товуш ва овоз орқали қабул қилинган, эшитилган спектакль кўрилганидан кўра кучлироқ таассурот қолдириши мумкин.

“Ўзбекистон” радиоканалининг “Театр микрофон олдида” эшиттиришида айнан театр спектаклларининг радиомонтажи ва радиоинсценировкалар эфирга узатилади. Ушбу эшиттириш 1940-1950 йиллар оралиғида ташкил этилган бўлиб, ундан кўзланган мақсад, театр санъатининг имкониятларини кенгайтириш, театр сахнасида муваффақиятга эришган асарларни радиога олиб чиқиш. Эшиттиришнинг илк сонларида Ҳамза, ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театрида II Жаҳон урушига бағишланган, жасорат, ватан ҳимоячиларига мадад бўлувчи мавзуларда сахналаштирилган спектакллар эфирга узатилди. Театр ижодкорлари сахна асарларини томошабинга қандай йўл билан тезроқ етказишни ўйлашган. Бунинг биринчи йўли ижодий сафарлар бўлса, иккинчи тарғибот радио орқали амалга оширилган. Чунки, ўша даврда радио энг кучди ва энг тезкор зиё маскани ҳисобланган.

Ҳозирги кунда “Ўзбекистон” радиосининг “Олтин фонди”да мингдан ортиқ радиоспектакллар, постановкалар ва инсценировкалар сақланмоқда. Ушбу асарлар трагедия, мушоҳадага ундовчи, чинакам

халқ дарди билан суғорилган, ҳақиқий юрт фарзандлари образини ёритувчи драматик спектакллардир. Албатта, комедия йўналиши ҳам назардан четда қолмаган, чунки кулгу орқали ҳаётдаги иллатлар фош этилган. Эшиттириш ўз тарихи давомида жуда кўплаб мухлислар орттирди. Зеро, бутун вужуд билан тингланган спектакл ўз олдида қўйилган вазифани тўлақонли адо этган ҳисобланади. Тингловчини мулоҳаза юритишга, бўлаётган воқеага муносабат билдиришга ундайди. Сўз воситаси орқали тингловчи тасаввурида спектакл жонланади. Унда актёрларнинг ташқи кўриниши эмас, балки овоздаги характер муҳим роль ўйнайди. Овоз орқали ҳар хил ҳис - туйғуларни ифода этиб беради. Шу жиҳатлари билан ҳам театрнинг микрофон олдидаги ўрни катта ва у ўзининг садоқатли тингловчиларига эга. Театр спектакллари радио эфир учун ёзиб олишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Чунки театр спектаклларида ортиқча шовқинларни олиб ташлаш керак. Шу маънода уларни радиомонтаж қилишган. Булар, 1950 йиллар бошида ёзилган Уйғуннинг “Қотил”, Б.Раҳмоновнинг “Юрак сирлари”, А.Қаҳҳорнинг “Оғриқ тишлар”, В.Шекспирнинг “Гамлет”, И.Султоннинг “Иймон” асарларидир. Ушбу спектаклларнинг ёзилганлигига ярим асрдан ошган бўлсада, аммо айни пайтда ҳам тингловчилар ҳукмига ҳавола этилмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, эшиттиришнинг “олтин” даври дея, Ҳ.Ғулом, Т.Тўла, Ў.Умарбеков, О.Мухторларнинг хизматлари сингган даврларни эслаш ўринли. Бу ижодкорлар фаолияти даврида театр спектакллари кўп ёзилиб, эфирга узатилган. Шубҳасиз улар, ўзбек драматургияси намуналари билан бир қаторда жаҳон

драматургияси асарларини ўзбек санъат мухлисларига етказишда беназир хизмат кўрсатганлар. Ушбу спектаклларда С.Эшонтўраева, О.Хўжаев, Ш.Бурхонов, Н.Раҳимов, И.Алиева, Ш.Махзумова, А.Турдиев, С.Пўлатов, Н.Пўлатова, Я.Абдуллаева, Э.Комилов, Ё.Ахмедов ва бошқа кўплаб актёрлар бош ролларни ижро этишган. Улар ижро этган спектаклни эшитган киши, худди кўз ўнгида томоша қилгандай бўлади. Бу эса ўз-ўзидан актёрлар маҳорати юқорилигидан далолат беради.

Тингловчининг эшитиш ва тасаввури орқали асар матни ҳамда уни жонланган тасаввурини идрок этишда театрнинг микрофон олдидаги санъати телеспектаклдан устундир. Яна бир жиҳатни эътироф этишимиз керакки, спектаклларнинг муваффақиятли чиқишида радио режиссуранинг аҳамияти катта. Бу йўналишни ривожлантиришда Ўзбекистон халқ артисти Б.Зокиров, Д.Шокиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Н.Дўстхўжаев, Р.Ёвғочев, Ж.Тошхўжаев, Р.Қурбонов, Р.Жумаев, М.Сўфихўжаев, Г.Ғиёсова, В.Дўстмуҳаммедов, Қ.Искандаров, С.Саъдуллаев, А.Амиров ва бошқа кўплаб режиссёрлар ҳисса қўшишган. Радиода режиссура, овоздаги характер, тингловчи эътиборини овоз орқали жалб этиш ва сўзловчининг маҳорати нимада эканлигини улар яратган асарлар ҳам исботлаб беради.

Радиода ҳатто опера театрининг асарлари ҳам эфирга берилган. Булар, М.Ашрафийнинг “Бўрон”, “Гулсара”, “Майсаранинг иши”, “Дилором”, “Лайли ва Мажнун”, “Нурхон” ва бошқа қатор спектакллардир. Шу ва бошқа спектаклларда Ўзбекистон халқ артисти Қ.Махсумов, Қ.Тожиев, Т.Юнусов, Т.Тожиев ва бошқалар

муаллиф номидан матнларни маҳорат билан ўқишган. Бунда эса катта масъулият талаб этилади. Чунки асардаги воқеалар кетма-кетлиги матнни ўқиётган суҳандон сўзи ва ҳис-туйғулари билан амалга ошади.

Ҳозирги кунда “Ўзбекистон” радиоканалида санъат талқинидаги муаммолардан бири бу театр спектакллариининг радио эфир учун ёзилмаётганлигидир. Бу эса моддий таъминотга қолаверса, бу санъат тарғибида телевидениеда катта имкониятларнинг мавжудлиги ва унинг тасвирдаги муваффақиятидир.

Буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой айтганидек, “ҳар қандан асар фақат ҳаётнинг янги томонини очиб берсагина у санъат асаридир.” Театр сахнаси эса ана шу ҳақиқатлар майдонидир.

Инсон тафаккурининг ажойиб маҳсулларида бири бу санъат бўлиб, мусиқа унинг гултожисидир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя катта... Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамларни дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда”⁶. Дарҳақиқат, шарқ мусиқаси, хусусан, ўзбек мусиқа маданияти қадимий ва айни пайтда янги замон анъаналарини мужассам этган ҳолда ривожланиб келмоқда. Маълумки, ўзбек халқининг маънавий гўзаллиги асрлар қаъридан келаётган куй-оҳангларида ўзининг ажойиб бетакрор инъикосини топган. Аجدодларимиз берган таърифлардан бирида, “мусиқа инсон руҳининг озиғидир” дейишган. Бинобарин, миллий мусиқа кўп асрлар давомида ўтмишимиз бой

⁶ И.А.Каримов “Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида” Т., “Ўзбекистон”, 322-бет.

маънавиятининг, ота-боболаримиз теран тафаккурининг, баркамол рухиятининг садоларидаги жонли ифодасидир.

Муסיқий меросимизнинг энг салобатли ва энг ардоқли қисми ҳисобланган мақом йўналишидаги қўшиқлар “Ўзбекистон” радиоканалининг “Дурдона”, “Мақом-санъатимиз сайқали”, “Олтин мерос”, “Муסיқамиз зарварақлари” эшиттиришларида тарғиб қилиб борилади. Турли даврлардаги бастакорлар томонидан ижод қилинган ҳар хил ҳажмдаги ва алоҳида шаклан ҳамда мазмунан мукаммал асарларнинг намуналари доимий равишда эфирга берилади. Зеро, мақомларда мужассам бўлган маънавий ва бадиий гўзалликларни намоён этиш ҳамда уларни тингловчиларга етказиб беришда ижрочилик санъати ҳал қилувчи аҳамиятли касб этиши маълумдир. Шундай экан, қадимий ва ҳамиша навқирон мақомларнинг асрлар оша яшаб ва ривожланиб келиши, бир қатор омиллар билан бирга устоз ҳофиз ва созандаларнинг юксак ижрочилик маҳорати билан ҳам узвий боғлиқдир. Дарҳақиқат, асл ўзбек мумтоз мақом ижодиёти ва ижрочилик соҳасида кузатилаётган янги жараёнларнинг эркин ифодасини санъаткорларнинг, хусусан, халқ ҳофизларию, таниқли хонанда ва созандалари фаолиятида кузатиш мумкин. Мана шу каби мумтоз мақомлар “Ўзбекистон” радиоканали дастурларида мунтазам бериб борилади. Албатта, фақатгина мумтоз қўшиқлар билан чекланиб қолмасдан, балки, замонавий эстрада йўналишидаги қўшиқлар ҳам эфирга узатилмоқда. Зеро, ўзбек муסיқасининг таркибий қисмига айланиб улгурган эстрада санъати ҳам қисқа муддат ичида ривожланиб, маълум натижаларга эришиб келмоқда. Жумладан, эстрада йўналишидаги қўшиқлар юртимизда ўтказилиб

келинаётган турли байрам ва оммабоп тантаналарда, шоу-концертларда ҳамда республикамизда фаолият олиб бораётган барча телерадио дастурларда янграётган мусиқанинг салмоқли қисмини ташкил қилади.

Жамият ҳаётидаги ҳар қандай янгилик, унда яшаётган шахслар томонидан тадқиқ ва таҳлил қолаверса, танқид қилиниши табиий. Сўнгги йилларда санъатнинг ушбу йўналишига доир мулоҳазаларни ОАВда хусусан, матбуот нашрларида кўплаб кузатиш мумкин. Ана шундай фикрлар баёнини тадқиқотчи Олим Тошбоев мақоласида кўриб чиқсак: “Таассуфки, бугун айрим ёшлар орасида “Қаро кўзим”ни сел бўлиб тинглайдиганларга нисбатан бу мумтоз кўшик оҳангидан энсаси қотадиганлар, “Алпомиш”дан айтаётган бахшини кўрганда бурнини жийирадиганлар кўп”⁷.

Юқоридаги фикрлардан англаш мумкинки, замон суръатининг жадаллиги, турфа хил “изм”ларнинг миллат онгига турли таъсир воситаси орқали сингиб бориши, унинг қадриятларга бўлган муносабатида айрича кўриниш касб этади. Таъкидлаганимиздек, тезкорлик, динамик беқарорлик “тарози босмайдиган” тушунчаларнинг тезда унутилишини ҳам таъмин этувчи феномендир. Шу боисдан “шлягер”, “хит”лар дарҳол эскиради ва кун кўриб-кўрмай унут бўлади. Бугун урф бўлаётган янги йўналишдаги кўшиқчилик, турли мусиқий шоулар фақат фойда кўриш, бойлик орттиришга хизмат қилади. Ўзбек миллий мумтоз мусиқаси эса, асрлар давомида шаклланиб, инсон кечинмаларини, дунёқаришини тараннум этади.

⁷ “Тафаккур” журнали. 2008 йил, 1-сон.

Муסיқанинг инсон онги ва шуурига таъсир кучини, одам танасига рухнинг “най” оҳанги орқали кирганлигининг ўзиёқ, муסיқа нафақат, ҳордиқ чиқарувчи, балки қалбни маҳв этувчи куч-қудратга эга эканлигидан дарак беради. Биз сўз юритаётган эшиттиришларнинг ҳар бир сониди мақом санъатининг йўналишлари, ўзбек қўшиқчилигининг буюк дарғалари ижоди ва уларнинг муסיқий маданиятимизга қўшган ҳиссаси ёритилади. Хусусан, Ю.Ражабий, Ф.Мамадалиев, О.Хотамов, О.Алимахсумов каби минлаб устоз санъаткорларимизнинг асл санъат дурдоналари ҳисобланмиш, ижод маҳсуллари доимо ушбу дастурларда янграйди.

Дарҳақиқат, миллий мумтоз муסיқамиз ва энг ёш эстрада санъати мамлакатимизнинг ҳозирги замон маданият тизимида ўта муҳим ўрин тутмоқда, чунки у оммабоп санъат тури сифатида минг-минглаб кишиларга таъсир кўрсатиб, руҳий эҳтиёжларни қондириш қудратига эгадир. Инсониятнинг олижаноб мақсадларидан бири бўлган тинчликни мустаҳкамлашда, кишиларнинг ахлоқий фазилатларини юксалтиришда ҳамда эстетик дидини тарбиялашда ва ўстиришда, биз ёшлар онгида ўзбек мумтоз ва эстрада муסיқаларининг таълим - тарбиямизда ҳам бевосита таъсир кўрсата оладиган ноёб санъат дурдоналарини сингдириб боришда “Ўзбекистон” радиоканалининг ўрни каттадир.

Инсон руҳиятини тадқиқ этувчи фан - психологиядан маълумки, борлиқни англашда инсон сезгилари муҳим аҳамият касб этувчи бирламчи омилдир. Дунёни, умуман материяни кўз сезгиси орқали ҳис этувчилар – визуаллар, эшитиш орқали англовчилар эса – аудиаллар, иккала жиҳатнинг вобасталигида жараённи идрок

этувчилар – кинестетик руҳият соҳиблари дея эътироф этилади. Санъатни омма руҳиятига жо қилишда эса, индивидуал шахс психикаси инобатга олинishi лозим, яъни унинг руҳий кечинмалари, эмоционал ҳолати назардан четда қолмаслиги керак. Радио ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ана шу индивидуал муносабатни шаклланишга қодир.

Радио тасвирсиз оммавий ахборот воситаси дегувчилар балки ўзларича ҳақдир. Аммо радио тингловчилар тафаккурида эшитиш асносида бадиий тасвир жонланаётгани инобатга олинса, юқоридаги фикр ўз-ўзидан рад этилиши шубҳасиз. Ҳар қандай тасвирда ёхуд бирор ашёда зуҳр этилган санъат асари сўз билан таъриф ва тасниф этилишга муҳтождир.

“Расм, бошқача айтганда, қалам тасвири санъати, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик ҳам меъморчиликнинг юксак нуқтасидир, расм барча рангтасвир турларининг манбаи ва қалби, у ҳар қандай илмнинг илдизидир”, - деган эди Микеланжело Буанаротти.

Дунёни рангларда англаш, инсонни рангларда тушуниш, Ватанни рангларда ардоқлаш ва асраш... Тасвирий санъатда мавзулар тасаввурдаги фикрни ифода этишга инсонни фикрлашишга чоғлашга, ижодкорнинг усталигини чархлашга, асарнинг образли ечимини чуқурлаштиришга, етукликка эришишга имкон яратади. Камалакнинг етти жилваси гўзалликлари ва тасаввурнинг тасвирдаги ажойибатлари ҳақидаги “Етти ранг” эшиттириши етук тасвирий санъат намоёндалари, ҳайкалтарошлари, амалий санъат усталари, маҳобатли ва дастгоҳли рангтасвир усталари, мусаввир наққошлар ижоди ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Шунингдек, ранглар олами

ажойиботлари, рангин дунё фалсафаси, жаҳон тасвирий санъат усталари ҳаётидан лавҳалар, уларнинг услублари, санъат йўналишлари ҳамда оқимлари ҳақида ҳам сўз юритилади.

Радиода тасвирий санъат соҳаси ёритилишининг ўзига хос қийинчиликлари бор. Мусаввир тасвирлаган асарнинг мазмун-моҳиятини томошабин кўриб, уни тушунишга ҳаракат қилса, радиоэшиттириш орқали ранглар жозибасини ҳар бир рангни ўзига хос номи билан аталишини тингловчига тушунтириб бериши керак. Иккинчи навбатда, асарнинг композицион ечими ҳақида, мусаввир назарда тутган фалсафа ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. “Ўзбекистон” радиоканали тарихида дастлаб, “Нафосат” эшиттириши орқали тасвирий санъат гўзалликлари ёритилган бўлса, кейинчалик Ўзбекистон Бадиий Академияси билан биргаликда “Етти ранг” эшиттириши ташкил этилди. Унда рассомлар ва тасвирий санъат усталари билан суҳбатлар уюштирилиб, тингловчилар билан ҳам телефон мулоқотлари амалга оширила бошланди.

Аслида, ижодкор юрагида кечадиган барча эзгу туйғулар ва сезгилар катта мавзулар теварагида айланади. Бу жараёнда ўзлигини қай тарзда намоён этиш, туйғуларни қандай шаклда тасвирлаш ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ. Истеъдодли мусаввир Содиқ Раҳмонов ўз ижодий изланишларини ана шундай қадриятлар асосига йўналтирган ижодкорлар сирасига киради. Эшиттиришнинг 2008 йил 28-март сонида мусаввир С.Раҳмонов ҳаёти ва ижоди, унинг тасвирий санъатдаги илмий изланишлари ва у яратган асарлари ҳақида батафсил сўз юритилди. Ижод жараёни ўзининг турли шакл-шамойилига ва йўналишига эга. Устоз шогирдлик анъаналари эса бу

жараёнда энг муҳим омил саналади. С.Раҳмонов Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаровнинг издошлари сифатида у кишининг ўгитларига оғишмай амал қилиб келаётган муносиб ва садоқатли шогирдлик бахтига мушарраф бўлган ижодкордир. Аввало, ижодкор руҳияти ва кайфияти оламининг борлиқ билан уйғунлиги, инсон қадрининг ҳаёт жозибаси билан муштараклиги ҳақидаги рангтасвирлар ўзига хос оҳангда, рангда, товланишларда ифодаланадики, ажабтовур сеҳрланганингизни сезиб қоласиз. Зийрак нигоҳи билан мусаввир илғаган дунёнинг қирралари руҳингизга гоҳ тетиклик, гоҳ маҳзунлик бахш этади. С.Раҳмонов асарлари гоҳ тарихдан сўзласа, гоҳ ҳаёт фалсафасидан, гоҳида ёшлик суруридан сўзласа, гоҳо майин ҳис этилувчи инсоний туйғулардан сўзлайди. Эшиттириш муаллифи, журналист Феруза Хушматова рассомнинг ўз асарларида акс эттираётган фалсафа ва ҳақиқатларини эътироф этиб, С.Раҳмонов яратган “Чингиз Ахмаров портрети”, “Қуёшли кун”, “Онам портрети”, “Баҳор”, “Тоғ қишлоғи”, “Ёз”, “Ҳамза портрети” сингари каби рангтасвир асарлари ва маҳобатли безак санъатидаги асарлари турли даврларда яратилиб, ҳозирги кунда ҳам томошабиннинг чексиз қувончига сазовор бўлганини муносиб баҳолади.

“Инсон қисмати ҳам мураккаб, ҳам сирлидир. У қанча яшамасин ва қандай иш билан машғул бўлмасин, тақдир асрорини ҳеч қачон тўла-тўқис англай олмайди. Яъни вақт ўтиб нималардир равшанласа, нималарнидир билишга ақлнинг кучи, идрокнинг имкониятлари етмай қолади. Эҳтимол мана шунинг учун ҳам ўз мавжудлигини мушоҳада қилиш инсонни фикран фаоллаштирар,

тўхтамай ва толиқмай илгарилашга рағбатлантиради. С.Раҳмоновнинг олдида қўйган ижодий интилишлари ва машаққатларидан ташқари устозининг ижодий меросини сақлаб қолиш ва муносиб тарзда давом эттиришга ҳаракат қилиб келаётгани, ана шу рағбатнинг бир кўриниши бўлса ажаб эмас”⁸. Мусаввирни кўнгилга яқин мавзулар доимо ижодга ундайди. Рассом ҳаётида эса, бугунги кун тасвири биринчи ўринда туради. Бетакрор бадиий ечим, ўзига хос тасвирий услуб, тимсоллар ва ранглар рамзийлиги, теран ҳамда синчков руҳият мусаввир асарларининг асосий мазмунини ташкил этади. Шундай асарлар бўладики, у томошабин учун ўз композицион ечимини бир қарашда англатади. Баъзи асарлар эса рассомнинг мақсадини, у ҳикоя қилмоқчи бўлган мавзунини мавҳумлигича қолдиради.

Маълумки, ҳар қандан санъат томошабин ёки тингловчи учун мўлжалланади. Айни пайтда у нозик дид ва ўткир фаросатни талаб этади. Санъатнинг азал-азалдан қоидаси шундай. Бугун давримиз қанчалик тезкор, тараққиёт қанчалик шиддаткор бўлмасин, у бу қоидани буза олмайди. Инсоннинг онгли, дидли, фаросатли бўлишини шунчаки шиорлару чорловлар, тадбирлар билан амалга ошириб бўлмайди. “Санъат – қурбон талабдир” деган азалий гап замирида узлуксиз бадиий тарбия жараёни, мунтазам кунт ва сабот билан дидни ўстириш назарда тутилган бўлса ажаб эмас. Санъат – гўзаллик. Гўзалликдан яхши таассурот ола билиш, ўзига хос истеъдод. Шу сабабдан, кимнингдир юраги нафосатни ҳис этиш тўғрисида табиатан маҳрум экан, уни гўдаклигидан санъат асарларига

⁸ “Етти ранг” эшиттириши, 2008 йил 28-март сони

кўмиб ташласангиз ҳам санъатнинг тўла моҳияти унинг учун бир умр сирлигича қолаверади.

“Ўзбекистон” радиоканалида журналист Дилфуза Қўлдошева муаллифлигидаги “Ёш истеъдод” эшиттириши чин маънода болалар мусиқа санъатининг тарғиботчиси дейиш мумкин. Эшиттиришда юртимизда фаолият олиб бораётган мусиқа мактабларининг ўқувчилари ва уларнинг истеъдодларини ўстириш борасида сўз юритилади. Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2008 йил 7-январда чиқарилган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”⁹ги фармойиши мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусикий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа педагог ва мутахассисларнинг меҳнатини рағбатлантириш учун дастурамал бўлиб хизмат қилади.

Болалар ўз туйғуларини, фикрларини қўшиқлар, ўйинлар орқали ифода этади. Айни чоғда қўшиқлар болалар зехнини ўткирлаштиради, уларнинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Эшиттиришнинг 2008 йил 16-март сонида пойтахтимиздаги Глиэр номидаги Академик мусиқа лицейининг бугунги кундаги ютуқ ва камчиликлари таҳлил этилди ҳамда лицейда таҳсил олаётган

⁹ www.press-servise.uz.

Ўқувчилар ҳақида ҳикоя қилинди. Айтишимиз лозим, Глиэр Академик мусиқа лицейининг номи фақатгина Республикамиздагина эмас, балки чет мамлакатларда ҳам яхши таниш даргоҳлардан биридир. Бу лицейнинг тарихига назар соладиган бўлсак, 1927 йилда ташкил этилган бўлиб, ўша даврда 100-120 нафар ўқувчилар таълим олишган. 1940 йилда бу мактабга таниқли композитор, профессор Глиэр номи берилган. Ушбу мактабни битирган жуда кўплаб созандаalar ва хонандаalar, халқаро кўрик танловларда ўз маҳоратларини намойиш этиш, тингловчилар олқишига сазовор бўлишган. Болалар композиторлари Ф.Алимов, Н.Норхўжаев. Н.Тошматов. О.Абдуллаевалар ҳам ушбу мактабда таҳсил олишган. Бугунги кунда эса лицейда республикамизнинг турли бурчакларидан келган ёш санъатсеварларга малакали ўқитувчилар ўз билимларини ўргатиб келишмоқда, эшиттиришда иштирок этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, лицейнинг директор ўринбосари Жаҳонгир Иброҳимов лицейнинг бугунги кундаги фаолиятига тўхталиб, жумладан лицейда 780дан ортиқ ўқувчилар фортепиано, дамли-зарбли, эстрада, хор дирижёрлиги, вокал, анъанавий ижрочилик, ўзбек халқ чолғучилик бўлимларида сабоқ олишаётгани ва 40дан зиёд ўқувчилар халқаро кўрик танловларда ҳамда фестивалларда иштирок этиб ўз маҳоратларини намойиш қилаётганликларини эътироф этди. Шунингдек, эшиттириш давомида ўқувчиларнинг ижод намуналари эфирга узатилди¹⁰.

Аслида, болалар орасида санъатни севмаган бола бўлмаса керак. Ҳар бир мурғак қалбда санъатга ошуфталикни сезиш мумкин.

¹⁰ “Ёш истеъдод” эшиттириши 2008 йил 16-март сони.

Бугун ҳукуматимиз томонидан болаларимизнинг таълим олишлари ва ўз истеъдодларини намоёништиришлари учун етарлича имкониятлар яратилмоқда. Буни чиқарилаётган қарор ва фармонлар ҳамда турли хил кўрик танловлар мисолида ҳам кўриш мумкин. “Ёш истеъдод” эшиттиришининг мақсади ҳам, болажонларнинг мусиқа ва санъатга бўлган қизиқишларини ошириш ҳамда уларнинг истеъдодларини ривожлантиришдан иборат. Бу эса келажак авлодни миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда кўмак берса ажаб эмас.

Дарҳақиқат, ёш авлод келажак пойдеворлари. Зеро, мустақиллик йилларида санъат ва маданият соҳасида аجدодларимиз томонидан яратилган бадиий-ижодий меросини ўрганиш, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, илмий асосда таҳлил этиш ва ўтган аср талатўп замонда асоссиз қораланган, тарихимиз, маданиятимиз, санъатимиз саҳифаларини қайта тиклашга кенг имконият яратилди¹¹.

Халқ оғзаки ижоди – дунёга тенгдош санъат. Ҳар бир халқнинг оғзаки ижоди, ўша халқнинг бўй-бастини, феъл-атвори ва анъаналарини ҳамда табиатини рўй-рост акс эттириб турувчи боқий кўзгудир. Биз ана шу кўзгу орқали ҳар бир халқ ўтмишини, бугунини, орзулари ва истиқболини кўриб турамыз. Биз ана шу кўзгу воситасида оламшумул эзгу ниятлар, одамий ва оламий фазилатлар каби муштарак туйғулар дунёнинг барча халқлари учун азиз ва қадрли эканлигини кўриб қувонамиз. Шунинг учун ҳам дунё халқларининг оғзаки ижодини беэъбор турган, бир-биридан қадимий дoston ва эртаклари, аския ва лапарлар, қўшиқ ҳамда топишмоқлар одамларни,

¹¹ “Театр” журналы. 2008 йил, 1-сон, 28-бет.

башариятни нурафшон кунлар сари етаклаб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Халқларнинг бу бебаҳо, уйғун ва боқий бойлигини асрдан-асрларга, авлоддан-авлодларга олиб ўтган атоқли дostonчилар бўлган. Улар бу бойликни оғиздан-оғизга олиб ўтиш билан бирга халқ олқишига сазовор шогирдларни ҳам тарбиялаб келадилар.

Ҳукуматимиз халқ оғзаки ижодига, бахши-шоирларга одатдагидан кўра кўпроқ раҳнамолик ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Ҳаётбахш қарор ва тадбирлар қабул қиланаяптики, бахши-шоирлар ижодига бағишланган беллашувлар, турли анжуманлар ўтказиб турилибди. Оммавий ахборот воситаларида ҳам улар ижодига бағишланган саҳифалар, кўрсатув ва радио эшиттиришлар мунтазам бериб борилмоқда. Ана шулардан бири “Ўзбекистон” радиоканалидаги “Бахшилар баёти” эшиттиришидир. Муаллиф Нуриддин Аминжонов томонидан тайёрланадиган ушбу эшиттириш “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги олдидан эфирга узатила бошланди. Эшиттиришда бахшилар ижодига хос ютуқ ва камчиликлар ўз вақтида таҳлил этилиб, ана шундан беқиёс маънавий меросни бизгача етказганлар, куйлаб келаётганлар жумладан, Эргаш Жуман Булбул ўғли, Ислom шоир Назар ўғли, Фозил шоир, Пўлкан Шомурод ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Умир шоир Сафар ўғли, Бола Бахши, Қодир бахши Раҳимов, Зоҳир бахши Қўчқоров, Чори бахши Хўжамберди ўғли, Хушбоқ Мардонакул ўғли, Боборайим Маматмуродов, Абдуназар Поёнов, Шомурод бахши Тоғаев, Норбек Абдуллаев, Зиёдулла Ислom шоир ўғли, Абдуқаҳҳор ва Абдумурод

Раҳимовлар, Қаландар Норматов ва Шоберди бахши каби бетакрор бахшилар ижоди таҳлил этилди.

Атоқли адибимиз Ойбек бахшиларни “Халқ оғзаки ижоди бойликларининг хазинадорлари” дея юксак баҳолаган эди¹². Халқимиз Шеробод, Булунғур ва Қамай, Нарпай ҳамда Хоразм дostonчилик мактаблари намоёндаларининг ижодини ғоят қадрлайди. Халқ яратган ажойиб қўшиқлар, эртақ ва дostonлар бадий ижоднинг покиза сарчашмаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда халқ оғзаки ижодига, бахши шоирларнинг бетимсол санъатига эътиборнинг тобора кучаяётганлиги халқимизнинг айна дилидаги гапи бўлаяпти. “Бахшилар баёти” эшиттириши эса ана шу дилдаги гапларни миллатимиз юрагига етаказишда самарали фаолият кўрсатмоқда. Ҳар ҳафта 30 дақиқадан эфирга узатиладиган ушбу эшиттириш чинакамига тингловчилар кайфиятига кайфият қўшмоқда десак муболаға бўлмайди. Эшиттиришда аввал муаллиф томонидан дostonнинг тўлиқ баёни берилади. Кейин бахши дўмбирада уни куйлайди. Бу эса тингловчиларга янада тушунарли бўлиши учун қўмак беради. Чунки, бахши бўғиз овозда куйлаётганда тингловчи уни тушунмаслиги мумкин. Муаллиф томонидан аввал шарҳланиши эса, дostonчилик, хусусан, бахшичилик санъатининг жозибасини янада оширади.

Фольклоршунос олим, филология фанлаир доктори, профессор Малик Муродов эътироф этганидек, “Бахшилар баёти - Алпомишнинг 1000 йиллигига энг яхши совға бўлди”.

¹² Ў.Ўтаев, Отаёр. “Дунёга тенгдош хазина”. Т.; “Ёзувчи”, 1994 йил.

Дарҳақиқат, бахши – халқ фазилатларини ўзида мужассамлаштириб, унинг туйғулари, орзу-истаклари ҳамда турмушини дoston ва термаларда бадиий таъсирчан жонлантириб, яна халқнинг ўзига қайтарувчи нодир санъат эгаларидир.

Асл санъатнинг умри боқий. У гавҳар тошига ўхшаб гард босса ҳам барибир гавҳарлигича қолади. Диёримиз нафақат бахшилар, балки моҳир дўмбирачи, сурнайчи, карнайчи, қўбизчи, сибизғачи, чанқобузчи ҳамда халқ амалий санъат усталари юрти ҳамдир. Одатда ўз удуми, урф-одатини сақлай олган халқни улуғ санашади. Ўзбек халқининг энг яхши одатларидан бири, тўй ва тантаналарда сибизға, сурнай, карнай, чанқобуз нолаларини тинглашни севади. Халқимизнинг сеvimли дostonлари, аскиялари ва турли хил қўшиқлари қанчалик қадимий ва умри боқий бўлса, унинг нодир чолғу асбоблари эса шунчалик эъзозли ва азалийдир.

Ўзбек халқ мусиқа мероси анъаналарга бой. Мақомлар, мумтоз куй ва қўшиқлар, ялла ҳамда лапарлар халқ оғзаки ижодининг дурдоналари бўлиб оғиздан-оғизга ўтиб ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Миллий мусиқага бўлган эътибор, асосан чолғу жанрининг маҳаллий кўриниши бўлиши, куйларнинг шакл ҳамда оҳанг жиҳатлари, соз ижрочилиги бастакорлик ва созанда­ларнинг асарлари ҳам “Ўзбекистон” радиоканалининг “Соз садоси” эшиттириши орқали тарғиб этилади. Зеро, созандалик ижодиёти ҳам ўзига хос бўлиб, инсонларнинг маънавий тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Хусусан, машҳур созанда­ларнинг созандалик санъати, оддий мусиқий санъат бўлиб қолмасдан, балки миллий чолғу ижрочилик ғояси асосида шаклланади ҳамда муҳим омил сифатида

фаолият олиб борилаётганини аниқ белгилаб беради. Санъатнинг бу тури мустақиллик ғояси асосида шаклан ва мазмунан бойиган бўлиб, у ўзбек миллий созандалигининг барча кўринишларини ўзида уйғунлаштирган бадиий фаолият натижасининг ижобий намунасидир.

Ўзбек мусиқа санъатини дунё майдонига олиб чиқиш учун уни бошқа халқлар тинглаб, баҳо бериб, энг аҳамиятлиси уни ижро этишлари учун баъзи умумхалқ мусиқа стандартларига жавоб бериши керак. Чунки бошқа халқларда танбур, дутор, сато, чанг каби чолғулар мавжуд эмас¹³. Таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишни ривожлантиришда юртимиздаги барча мусиқа мактабларининг ютуқ ва камчиликлари ва уларнинг имкониятлари айнан “Соз садоси” эшиттиришида таҳлил этилади.

Умуман санъатнинг қайси тури бўлмасин, унда албатта ижрочидан профессионал маҳорат талаб этилади. “Ўзбекистон” радиоканалида бир ойда икки маротаба бериб бориладиган “Эл севган санъаткорлар” эшиттиришида ҳам ўзининг юксак истеъдодлари билан халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган санъаткорлар билан суҳбатлар уюштирилади. Ушбу эшиттириш орқали санъатда ўз ўрнини эгаллаган халқ ҳофизлари ва хонандалар ҳаёти ва ижоди борасида сўз юритилади. Муаллиф, хонанда Озода Назарова: “Ушбу эшиттириш 2000 йилда ташкил этилгани ва ҳозирги кунгача 100 дан ортиқ санъаткорларнинг санъатга қўшган ҳиссаси борасида радиоҳикоялар бериб борилганини таъкидлади”¹⁴.

¹³ “Театр” журналі. 2006 йил, 4-сон, 43-бет.

¹⁴ “Эл севган санъаткорлар” эшиттириши

“Эл севган санъаткорлар” эшиттиришининг илк сони Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова ҳаёти ва ижодига бағишланган. Алоҳида эътироф этиш лозимки, ушбу эшиттиришнинг ҳар бир сони Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Олтин фонди”да сақланади ва жорий йилда китоб ҳолида чоп этилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, “Бетакрор ижролар” рукни орқали маданий меросимизга тамал тошини қўйган ижодкорларимизнинг мусиқий фаолиятига назар ташланади ва улар ижро этган ашулалар эшиттирилади. Машҳур мумтоз ашулаларимиз бўлмиш “Чўли ирок”, “Тановвар”, “Ушшоқ”, “Муножот”, “Қаро кўзим” каби эл ардоғидаги, мухлислар юрагидан жой олган ноёб санъат дурдоналари тарихи билан танишиш, санъат шинавандалари учун қизиқарлидир. Бизнинг фикримизча, мана шундай эшиттиришлар кўпроқ эфирга бериб борилса, ёш авлоднинг эстетик дидини шакллантиришда хизмат қилади. Ахир, ўзбек мумтоз мусиқалари билан қанча ғурурлансак арзийди.

Навбатдаги ўзбек мумтоз ва жаҳон санъати намуналари асосида тайёрланадиган “Мусиқа оламида” эшиттириши, ўзбек мусиқасининг забардаст ижодкорлари ва дунё классикасига муносиб ҳисса қўшган бастакор ва композиторлар ижодига бағишланади. Шунингдек, ушбу эшиттиришда мусиқий атамалар ҳам мутахассислар томонидан шарҳланади. Эшиттиришнинг “Бир ашула тарихи” саҳифасида, машҳур хонандаларнинг ижод намуналарининг яратилиш тарихига тўхталанилади. Шунингдек, эшиттиришнинг 2008 йил 24-апрелдаги сонида журналист Дилхумор Абдуллаева муаллифлигида моҳир

созанда, композитор ва дирижёр Вольфганг Амадей Моцарт ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинди ҳамда унинг ижод намуналари эфирга узатилди. Дарҳақиқат, Моцартнинг номи дунё тарихига у ҳаётлигидаёқ рақам этилган. Моцарт 1756 йили Зальцбург шаҳрида туғилган бўлиб, у беш ёшга киргандаёқ Европада шуҳрат қозонади ва деярли барча мусиқа асбобларини чалишни билган. У 20 га яқин опера, 50 тача симфония, 40 тача чолғу концерт ва сонаталар ёзганлиги маълум. Унинг “Харамдан олиб қочиш” (1782 й), “Фигаронинг уйланиши” (1786 й), “Дон Жуан” (1787 й), “Сехрли най” (1791 й) каби опералари санъат дурдоналари бўлиб эшиттириш давомида улардан парчалар қўйиб эшиттирилди.

Дарҳақиқат, Моцарт ижодиёти юксак кадрланади ва эъзозланади. Унинг мусиқалари аввал Европа аҳлига хузурбахш этган бўлса, бугун улар бутун дунё халқларининг сеvimли мусиқалари каторидан муносиб ўрин олган. “Мусиқа оламида” эшиттириши эса, ана шу мақсадни амалга оширади десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундан ташқари, ҳар куни бериб бориладиган “Барҳаёт санъат” қисқа ҳажмдаги туркум эшиттиришда, ўзбек театр санъати ривожланиши ва юксалишида ўзининг муносиб улушини қўшган санъат дарғаларининг спектаклларда ижро этган ролларидан парчалар эшиттирилади. Зеро, А.Ҳидоят, С.Эшонтўраева, Ш.Бурхонов, Қ.Хўжаев, Р.Ҳамроев, О.Хўжаев, С.Хўжаев каби актёрларнинг яратган образлари халқимизнинг қалбидан жой олган ҳамда ҳали-ҳануз ўз қийматини йўқотмаган. Бизнингча, мана шундай эшиттиришлар эфирга кўпроқ берилса, айни муддао бўларди. Чунки

санъат инсонларни эзгуликка чорлаш билан бирга, ўзбек миллий санъатини ёшлар онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, киши маънавий салоҳияти ривожланиб, юксалиб бораверади.

Мухтасар қилиб айтганда, “Ўзбекистон” радиоканали тўлқинларида санъат масалаларининг ёритилишида етарлича эътибор ва имкониятлар яратилмоқда. Бу эса, ўзбек ва жаҳон халқлари санъатининг кенг оммалашувида муҳим роль ўйнайди.

Малакавий битирув ишимизнинг ушбу бобида “Ўзбекистон” радиоканали дастурларидаги санъатга оид эшиттиришлар ҳақида сўз юритдик. 2-бобда эса ушбу эшиттиришларни тайёрлайдиган муҳаррирларнинг маҳоратини таҳлил қиламиз.

2-боб. Радио муҳаррир маҳорати

Оммавий ахборот воситалари жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Айниқса, радио халқ билан ҳокимият ўртасида ўзига хос алоқа воситаси, ошкоралик кўзгуси бўлиб хизмат қилиши бежиз эмас.

Оммавий ахборот воситалари жамиятдаги кўпчилик фикрини шакллантиришда, миллий истиқлол мафкурасини хусусан, ёш авлод онгига сингдиришда ўзига хос аҳамиятга эга. Унинг республикамизда олиб борилаётган маънавий-марифий ислохотлар жараёнини тезкорлик билан акс эттиришдаги энг самарали восита ролини бажараётгани, турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб, ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга инсонларнинг онгли муносабатини уйғотиши, холислик ва ҳаққонийлик тамойилларига таяниб фаолият юритиши ҳаммага аён.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкорларга фикрларини эркин, ошкора баён этишлари учун етарли имкониятлар яратилган. Хусусан, ОАВга оид қатор қонунлар қабул қилиндики, улар ҳар бир оммавий ахборот воситаси ва ҳар бир журналист учун йўл-йўриқ ҳамда ўзига хос ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, 2006 йилда “Муаллифлик ҳуқуқи ва Турдош ҳуқуқлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Бу бевосита

радиожурналистика фаолияти билан шуғулланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаганимиздек, кейинги йилларда юртимизда қонунчилик соҳасида хусусан, оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар барпо этилди, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам анча ишлар амалга оширилди. Бу ислоҳатлар самарасини эса, радиожурналистлар фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

“Ўзбек журналистикаси мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби ислоҳ қилинди ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди”¹⁵.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситаларида амалга оширилаётган ислоҳатларни қўллаб-қувватлаш, журналистларнинг жамиятдаги янгиланишларда фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Бугунги кун ўзбек журналистикаси олдида турган муҳим вазифалардан бири бу журналистларнинг ихтисослашуви масаласидир. Зеро, журналист ёритмоқчи бўлган мавзунинг ўзига хос жиҳатини ва моҳиятини чуқур ўрганиши керак. Омма диққат эътиборини ўзига жалб эта оладиган материаллар тайёрлашда касбий маҳорат алоҳида ўрин тутди. Ҳеч шубҳа йўқки, “Ўзбекистон” радиоканали журналистлари ўз олдиларига қўйилаётган масъулиятли вазифаларни бажариш йўлида салоҳиятларини намоён этиб ҳаракат қилишмоқда.

¹⁵ “Ўзбекистон матбуоти” 2007 йил. 6-сон.

Санъатни инсон фарзанди дунёга келтиради, уни ривожлантиради ва бутун дунёга намоён этади. Бу айти ҳақиқат. Донишмандлар ҳам санъатга “Инсон ақлу тафаккурининг ҳосиласи”¹⁶ деб бежиз таъриф беришмаган. Чунки санъат дурдоналари бетакрор ва яшовчанлиги билан боқий ва бардавомдир. Айнан санъат мавзуларини радиоода ёритишда эса радио муҳаррирга касбий меъёр ва қоидалардан ташқари шахсий билим ҳамда чуқур маҳорат зарур. Чунки санъат мавзулари кенг ва ранг-баранг. Қолаверса, миллий санъатимиз турлари шу қадар кўп ва хилма-хилки уларнинг ҳар бирида миллатимиз руҳияти мужассам.

Бугунги кун тингловчисига миллий санъатимиз моҳиятини очиб берадиган лавҳа ва репортажлар, журналистик таҳлил ва радиоэшиттиришларни тайёрлаб етказиб беришда маҳорат ва истеъдод ҳамма нарсадан муҳим. Шунинг учун ҳам, радиоода санъат мавзусини ёритадиган журналистлар бошқа ҳамкасбларига нисбатан кўпроқ ихтисослашишлари зарур. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, санъат тарихи бу халқ тарихи. Шундай экан, бирор-бир халқнинг санъати ҳақида сўз юритишдан олдин, ўша халқ тарихини яхши ўрганиш талаб этилади. Устига-устак, халқимизнинг миллий санъати Собиқ шўролар даврида анча–мунча таҳқирларга дучор бўлганини таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди. Айнан мана шу таҳқир ва чеклашлар миллий маданиятимизнинг ажралмас бўлаги бўлган санъатимизни ҳам четлаб ўтмади, унга салбий таъсир кўрсатди. Таъбир жоиз бўлса, асрлар давомида узлуксиз ривожланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган жавоҳиру дурдоналаримиз янада раванқ топиш ўрнига,

¹⁶ www.ziyo.uz

топталди. Буларни эслаб ўтаётганимизнинг боиси шуки, санъатимиз ривожда ҳар бир давр ва замоннинг у ёки бу кўламдаги муҳри мавжуд.

Санъат мавзусини ёритишга бел боғлаган ҳар бир журналист нафақат, унинг ўтмиши балки, тараққий топиш жараёни тамойилларини ҳам мукаммал ўрганмоғи керак. Шундагина миллий санъатимиз ҳақида сўз юритувчи ҳар бир журналистнинг ижоди пухта ва пишиқ бўлади, у тайёрлаган эшиттиришни эшитган тингловчида эса яхши таассурот қолади. “Ўзбекистон” радиоканалида бевосита санъатнинг ёритилиб борилишига катта аҳамият берилган. Биргина, “Ахборот информацион таҳлилий эшиттиришлар” муҳарририяти жамоаси томонидан санъат соҳасида бўлаётган янгилик ва ўзгаришларни ўз вақтида тингловчиларга етказиб берилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Ушбу муҳарририят ўз фаолияти вазифаларидан келиб чиқиб, санъат соҳасини ёритмоқда. Масалан, турли жойларда ташкил қилинган санъат кўргазмалари, соҳада олиб борилаётган ислохотлар, санъат оламидаги барча янгиликлардан ўз вақтида мухлисларни воқиф этади. Бундан ташқари, муҳарририят ходимлари томонидан тайёрланадиган “Оқшом тўлқинларида” ахборот-муסיқий эшиттиришида мавзуга яқиндан, таҳлилий ёндашилади. Айниқса, даврнинг суронлари туфайли унутилиб кетилган санъатимиз дурдоналарининг қайта тикланаётгани, унинг учун яратилаётган ҳуқуқий асослар муҳарририят журналистларининг доимий эътиборида. Шунингдек, миллий санъатимизни ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшаётган давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти ҳамда уларнинг бу

боради олиб бораётган ишлари ҳам шулар жумласига киради. Журналист О.Мирзакулованинг ёш иқтидорли рассомлар ҳақида тайёрлайдиган лавҳалари “Қадриятлар кадр топмоқда” рукни остида бериб бориладиган саҳифалар мавзулари бевосита санъатга дахлдор. Бундай мисоллар кўп, лекин бугунги айрим эшиттиришларни тинглаб, кўнгилни бироз хира қиладиган фикрга ҳам келиш мумкин. Булар, “Гулшан” радиожурнали, “Саҳна ва экран” эшиттиришларидир. Баъзида тайёрланаётган эшиттиришларни тинглаб, журналистик маҳоратнинг етишмаслиги мавзунинг оғриқли нуқтаси эканлигига амин бўламиз. Бир сўз билан айтганда, саёз билим, лоқайдликча мавзуга ёндашув ана шундай тингловчи учун манзур бўлмайдиган эшиттиришларни юзага келтирмоқда. Юқорида айтганимиздек, аввало бунинг учун журналистда ихтисослашув бўлиши керак. У олий ўқув юртида, талабалик чоғидаёқ бунга замин яратиш лозим бўлади. Бунинг учун эса бизда ҳали-ҳануз муаммолар бисёр. Чунки ихтисослашган тажрибали журналистлар жуда кам. Муаммонинг яна бир томони шундаки, эндигина иш бошлаган ёш журналистларни тарбиялайдиган маҳорат мактабларининг камайиб бораётганлигидадир.

Маълумки, радионинг ўзига хос тили бор. Ундан тараладиган маълумотлар тингловчига кундалик сўзлашув муоммаласига яқинроқ оҳангда, соддароқ етказилиши керак. Илмий ва ўта мураккаб жумлаларни эслаб қолиш ва унинг маъзини чақиш учун тингловчида доим ҳам зарур билим ва қайта тинглаш имконияти бўлмайди. Радио – газета эмаски, ҳозир ўқиган мураккаб жумлага яна қайта мурожаат қилиб кўриш мумкин бўлса. Шундай экан, радио журналистларимиз

буни инобатга олишлари ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда бурчларини адо этишлари лозим. Лекин, баъзи эшиттиришларни тинглаб, бундай хулосага келмаймиз. Аксинча, бироз кўнглимиз ранжийди. Айниқса, санъат ва маданиятни ёритадиган эшиттиришлар тингловчи талаби даражасида эмас. Масалан, ҳар ҳафтанинг сешанба куни соат 13-30да эфирга узатиладиган “Гулшан” радиожурналини оладиган бўлсак, бу эшиттиришнинг бугунги кундаги мақсади нимадан иборат эканлигини билолмай ҳайрон қоласиз. Мухаррир театр санъати ҳақида гапира туриб, сўзни дарҳол миллий ҳунармандчиликдан бошлайди. Балки бу муаллифнинг эшиттириш тайёрлайдиган услубидир. Аммо, нима бўлганда ҳам муҳаррир биринчи навбатда, тингловчи учун муҳим мавзу тайёрлаётганини унутмаслиги керак. Бугунги кун тингловчиси эса анча зукко, зийрак ва талабчандир. Журналист Г.Калонova муаллифлигида тайёрланаётган ушбу эшиттириш бугунги кун тингловчисининг маънавий эҳтиёжини қондира олармикин? Эшиттиришнинг 2088 йил 5-феврал сонини таҳлил қиладиган бўлсак, у “Жаҳон сахналарига йўл” ва “Каштачилик санъати” саҳифаларидан таркиб топган. “Жаҳон сахналарига йўл” саҳифасида дунёга юз тутаётган миллий театримиз ҳақида сўз боради. Бир томондан, эшиттиришнинг тили равон, ифода услуби ўзига хос. Лекин бу эшиттиришга мукамаллик мақомини бера олмайди. Эшиттириш сўз билан бошланиб сўз билан тугаган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, у бир томонлама ёритилган. Эшиттиришда фақат муаллиф фикр мулоҳазалари баён этилган. Наҳотки, жаҳонга юз тутаётган миллий театримиз ривожига ҳақида ушбу соҳа вакиллариининг фикрлари ҳам тингловчи учун муҳимлиги

муаллифнинг эътиборидан четда қолган бўлса. Эшиттириш сценарийсида ёзилган мана бу сўзларга эътибор қаратсак: “Ўзбекистон Халқ артисти Баҳодир Йўлдошев том маънода ўзбек саҳна санъатининг энг яхши намуналарини жаҳонга тақдим этган илк қалдирғочлардан бири бўлди. У бундан бир неча йил муқаддам Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” комедиясини Лаос республикасида саҳналаштирган бўлса, Соҳибқирон Амир Темурга бағишланган драматик композиция Парижда намоёиш этилди...”¹⁷ Б.Йўлдошевнинг миллий театримизнинг равнақига қўшган ҳиссаси борасида сўз борар экан, шу ўринда эшиттириш қаҳрамонининг ўз фикрлари берилиши муҳимлиги муаллифни қизиқтирмаган. Чунки радиода кўрсатиш имконияти йўқлиги боис, асосий диққат матннинг маънодорлиги, таъсирчанлиги, қисқа ва лўндалигига, қолаверса, сўз юритилаётган мавзу ўз тасдиғини топиши учун унда овозли ёзувлар муҳим аҳамият касб этади. Алоҳида таъкидлашимиз керакки, радио эфирда фақат бир кишининг бир хил оҳанг ва бир мавзу ҳақида гапириши тингловчини зериктириб қўяди. Ундан сўнг, мавзунини очиб беришда журналистик нуқтаи назардан ёндашиш талаб этилади.

Радио фаолиятини репортажсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, репортаж ахборот тарқатишнинг тезкор ва мукамал воситасидир¹⁸. Жорий йилнинг 24-апрелида Тошкентда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда Швейцариянинг “Ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича бюроси” томонидан маданий лойиҳаларнинг чуқур самарадорлиги ва Ўзбекистоннинг миллий ижодий салоҳиятига

¹⁷ “Гулшан” эшиттириши, 2008 йил 5-феврал.

¹⁸ www.mmf.uz

бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида маданият ва санъат соҳасидаги ижодий лойиҳаларни мувофиқлаштириш, миллий маданиятимизни хорижда кенг тарғиб этиш, жаҳон маданиятининг энг сўнгги янгиликлари билан ҳамюртларимизни кенгрок таништириш масалаларига оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди. Ушбу анжумандан ахборот информацион дастури муҳбири С.Ҳақназаров тўғридан-тўғри репортаж тайёрлади. Репортажда бевосита академик, санъатшунослик фанлари доктори А.Хошимов иштирок этди ва ўз сўзида, мамлакатимиз президенти ташаббуси билан қабул қилинган “Ёшлар йили” давлат дастурида маданият ва санъат йўналишида изланаётган ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, бу борада фаолият олиб бораётган турли идора ва муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутушини ҳамда бу тадбирларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаб ўтди. Ушбу репортажнинг самарали жихати шундаки, аввало радионинг тезкорлик бобида бошқа оммавий ахборот воситаларидан устунлиги ва тингловчига бўлаётган воқеликни бус-бутун етказилиб берилишида деб ўйлаймиз.

Бундан аён бўладики, “Ўзбекистон” радиоканалида санъат тарғибига берилаётган эътибор, нафақат маданий-маърифий эшиттиришлар муҳарририяти томонидан, балки радионинг энг тезкор дастурларидан саналган “Ахборот” эшиттиришида ҳам ҳукуматимиз томонидан санъатнинг тараққий этишида кенг имконият яратилаётганлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун юртимизда радиоканаллар жуда кўп. Агар уларнинг фаолиятига жиддийроқ назар солинса, қайсидир жихатлари бир-

бирига жуда ўхшаб кетишини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади. Бизнингча, ҳар бир радиоканалнинг бошқаларга ўхшамайдиган қиёфаси, ўз сўзи, оригинал овози, фалсафий дунёқараши бўлиши лозим. “Ўзбекистон” радиоканали ана шу бетакрор имиджи учун бугун астойдил изланиш жараёнини бошдан кечирмоқда.

Миллат кадриятларини асрлар оша бардавомлигини таъмин этувчи шахсларни эътироф этиш, ундан баҳраманд бўлиб, маънавиятини бойитаётган авлод учун масъул вазифалардан бири. “Ўзбекистон” радиоканалида ана шу масъулликни бурч санаб адо этаётган радиожурналистлар талайгина. “Эл севган санъаткорлар” эшиттириши муаллифи, хонанда ва журналист О.Назарова мусикий саводхонлигини, орттирган тажрибасини амалиётда қўллаб, сермазмун ва эшитимли дастурлар тайёрламоқда.

“Ҳар бир даврда журналистиканинг аудиторияга таъсир қила олиши унинг сифат даражаси ва самарадорлигини белгилаган”¹⁹. Юқорида қайд этганимиз, “Эл севган санъаткорлар” эшиттириши ҳам ана шундай сифат ва сермахсуллиги билан тингловчилар аудиторияси руҳиятида санъатга бўлган айрича муносабатнинг шаклланишида беназир ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳозирги кунда ҳаётимизга янги-янги технологиялар кириб келиб, рақобат кундан-кунга кучаяётган айни шароитда оммавий ахборот воситалари орасида радионинг аҳамиятли ўрнини сақлаб қолиш ниҳоятда долзарб масалага айланган. Бу нафақат ўзбек радиожурналистлари, балки жаҳон радиожурналистикаси олдида турган масъулиятли вазифа. Ўз даврида энг тезкор ахборот воситаси

¹⁹ “Ўзбекистон матбуоти” 2005 й. 1-сон.

сифатида кашф этилган радио тарихан қисқа давр ичида йўналиши, камрови унда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижодий потенциали жиҳатидан фарқланадиган фаолият турига айланган. Назарий жиҳатдан, радиоканални битта шахс ташкил қилиши, фаолиятини юритиши мумкин. Бугунги кунда айрим жамоалар, ташкилот ва корхоналарнинг маълум бир ҳудудда эфир узатадиган ва хос манфаатларини ифодаладиган ўз радиолари борлиги фикримиз тасдиғидир. Бироқ, “Ўзбекистон” радиоканали ҳақида гап кетганда, бундай деб бўлмайди. 80 йиллик тажрибага эга бўлган ўзбек радиочилигида мактаб яратган, улкан ижодий салоҳиятни ўзида жамлаган “Ўзбекистон” радиоканали том маънода, Ўзбекистоннинг, бутун бошли миллатнинг овозидир. “Ўзбекистон” радиоканали номи билан таралаётган тўлқинларда миллатнинг қиёфаси, унинг турмуш тарзидаги янгиликлар, воқеалар намоён бўлади. Шу маънода, ушбу радиоканал маданий ва санъат соҳасидаги интилишларни ўз маҳсулоти, яъни тайёрлаётган эшиттиришлари орқали чуқур таҳлилий, мушоҳадали тарзда акс эттиради. Ўтган йиллар давомида “Ўзбекистон” радиоканали учун самарали кечди, янгиланишлар, ўзгаришлар даври бўлди десак, асло хато қилмаган бўламиз. Миллий телерадиокомпания тизимларидаги ислоҳатларга ҳамоҳанг ушбу радиоканал ҳам кадрлар жиҳатдан, ҳам эшиттиришларнинг сифати жиҳатидан янгича қиёфа касб этди. Албатта, санаб ўтилган ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммоли масалалар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, бир ойда икки маротаба эфирга узатиладиган “Саҳна ва экран” эшиттириши ўзининг ғоявий йўналиши бўйича тингловчилар талабини қондираябди деб бўлмайди. Эшиттиришнинг

2008 йил 30-март сони “Театр санъати” ва “Кино санъати” саҳифалари билан мухлислар эътиборига ҳавола этилди. Журналист Г.Калонова муаллифлигида тайёрланган эшиттиришнинг ушбу сониди, аввало республикада театрларида саҳналаштирилаётган спектакллар ҳақида “Ўзбек театр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи Э.Ўринов ва драматург Хаитмат Расул билан суҳбат уюштирилди. Ушбу суҳбат фақат эришилаётган ютуқлар ҳақида кечди. Ваҳоланки, тингловчи учун қизиқ бўлган ва ўзбек театри олдида турган оғриқли нуқталар ҳақида бир оғиз сўз ҳам айтилмади. Чунки, калтакнинг икки учи бўлганидек, ҳар бир мавзунинг икки томони бўлади. Ана шу икки томон очиб берилсагина, у ўзининг бадиий қийматига эга бўлиши мумкин. Бизнингча, “Кино санъати” саҳифаси ҳаминқадар яхши ёритилган. Эшиттириш матнидан ихтибос келтирамиз: “Ўзбек миллий маданиятининг ноёб дурдоналаридан саналган “Ўткан кунлар” романи бадиий маҳоратнинг чўққиси сифатида нафақат адабиётимизни, балки миллий театр ва кино санъатимизни ҳам ҳали узоқ йиллар безашга шубҳа йўқ. А.Қодирийнинг бу ўлмас асари ҳар бир ўзбек хонадонининг бисоти бўлмоққа, у Грузияда кизларнинг сепига Шота Руставеллининг “Йўлбарс терисига ёпинган паҳлавон” асарини қўшиб берилишидек, ардоқли хазина сифатида ҳар қанча қадрланишга муносиб китоб”²⁰.

Аввало, ўзбек томошабини 1968 йилда режиссёр Й.Аъзамов суратга олган “Ўткан кунлар” фильми орқали бетимсол Кумуш, бетакрор Отабек, беқиёс Юсуфбек Ҳожи-ю, Ўзбегойимларнинг экран

²⁰ “Саҳна ва экран” эшиттириши 2008 йил 30-март сони.

талқини билан биринчи бор учрашган. Фильмдан сўнг кўп томошабинлар романни қайтадан ўқиб чиққанлар. Бу эса режиссёрнинг маҳорати ва актёрларнинг меҳнати эди. Шу маънода, кино санъатининг тарғибида ўша фильмдан парча эшиттирилиши тингловчиларга санъатга бўлган қизиқишни ошишига туртки бўларди.

Радионинг газетадан яна бир фарқи, унинг таъсирчанлигида экани ҳаммага маълум. Радиоода бериладиган материалларнинг тингловчиларга етиб боришида жонли овознинг, муסיқа ва ҳаракатдаги техника воситалари шовқинининг бўлиши катта аҳамият касб этади. Бу радионинг газета ва журналлардан фарқ қиладиган асосий белгиларидандир. Алоҳида таъкидлашимиз керакки, “Ўзбекистон” радиоканали эшиттиришларидаги айрим камчиликлар санъат тарғиботи йўлида бир қанча тўсиқларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, радиоода жонли ва аниқ суҳбатлар кўп берилмаётгани, тингловчилар билан бевосита мулоқотлар кам қилинаётганлигини айтиб ўтишимиз керак. Бизнингча, радиоода фаолият олиб бораётган журналист-муҳаррирлар қуйидаги хусусиятларга:

- импровизация қила олиш,
- қизиқарли мавзунини излаб топиш ҳамда,
- энг содда ва тушунарли сўзларни танлай билиш қобилиятига шу билан бир қаторда,
- рақам ва статистикадан иложи борича кам фойдаланиш имкониятига,

- мавзудан мукаммал хабардор бўлиши даражасига ҳамда,
- одамлар руҳий ҳолатлари ҳақида тўла маълумотга эга бўлишлари керак.

Санаб ўтилган хусусиятлар агар журналистда мужассам бўлса, эшиттириш мазмун-моҳияти ошади ва тингловчи талаби қондирилади.

Мулоҳазаларимизни мухтасар қилиб, давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг 2005 йилда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригидаги сўзлари билан якунламоқчимиз: “Фақат ўз касбига садоқатли, доимо эл-юрт манфаати, ўзгалар дарди билан ёниб яшайдиган журналистгина халқ орасида чинакам обрў-эътибор қозона олади”²¹.

²¹ www.press-service.uz.

Хулоса

Биз беҳад шитобли тараққиёт асрида, бемисл ўзгариш ва эврилишлар даврида яшаймиз. Кечагина кўзимизга янгилик бўлиб кўринган, шууримизга ҳайрат ва ҳаяжон солган воқеа ва ҳодисалар бугун ҳеч кимни ажаблантирмайдиган оддий воқеликка айланиб қолаётгани ҳам сир эмас.

Дунё цивилизацияси айниқса, инсон ақли, заковати, диди, ҳаёлот олами мисли кўрилмаган даражада тез камол топмоқда, юксалмоқда. Бу жараён албатта, тингловчи қалбида давр нафаси уфуриб турган тезкор ва ҳаққоний ахборотга бўлган эҳтиёж шиддатини ҳам вужудга келтираябди десак, янглишмаймиз.

Бутун дунёда кечаётган ахборот глобаллашуви жараёнлари эса турли – туман мазмун ва моҳияттаги, шакл-шамойиллардаги маълумотлар оқимини вужудга келтираябдики, инсоният бу таассуротлардан ўзига керакли бўлган маълумотни олиши ўта қийинлашиб, мураккаблашиб бораётгани ҳам рост.

Кечагина оммага маълумот узатишнинг тезкор воситаси ҳисобланган босма нашрлар бугун ахборотга бўлган ўша маънавий эҳтиёжни қондиришга ожизлик қилиб қолмоқда. Босма нашрлар, шунингдек, бошқа ахборот воситаларининг аҳамиятини камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, радионинг бу борада айрича имконият ва афзалликлари яққол кўзга ташланиб қолмоқда.

Бугунги кунда “Ўзбекистон” радиоканали дастурлари нафақат йўлдош алоқа орқали, балки интернет орқали ҳам эфирга

узатилмоқда. Демак, радиони мамлакатмизнинг энг чекка тоғ оралиқларидаги қишлоқлари у ёқда турсин, дунёнинг исталган нуқтасида тинглаш имконияти мавжуд. Бу эса ўз ўрнида радиожурналистларга катта масъулият юклайди. Бу масъулият республикамизнинг ички ва ташқи сиёсатида рўй бераётган муҳим жараёнларни, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида ислоҳатларнинг боришини бор бўйи билан холис акс эттиришида ҳам намоён бўлмоқда. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда содир бўлаётган туб ислоҳатларни, ўзгаришларни, ютуқларни кенг оммага етказиш, шунинг баробарида жойлардаги муаммоларни очик-ойдин кўрсатиб бериш радиожурналистлар зиммасида ҳамдир.

Айтиб ўтганимиздек, интернет, компьютер, параболик антеннали, кабелли телевидение деган тушунчалар ҳаётимиздан чуқур жой олди. Оммавий ахборот воситалари ўртасида эса, ахборот майдони учун кучли рақобат юзага келган бир паллада радионинг мавқеини сақлаб қолиш, нафақат сақлаб қолиш, балки аҳолига ахборот етказишдаги етакчилик мақомини таъминлаш учун “Ўзбекистон” радиоканалида ҳам жиддий ислоҳатларга қўл урилмоқда. Радиоканал мамлакатимизнинг турли минтақаларида бир қатор ижтимоий сўровлар ўтказди. Бу сўров натижаларидан келиб чиқиб дастурларга қисқа, лўнда ахборотларни қизиқарли тарзда жойлаштиришга ўтилди. Ўз формати ва имидж роликлари яратилди. Эшиттиришларни эса, таҳлилий руҳда тайёрлашга киришилди. Бир мавзуда бир соат гапириб, “имиллаб” эфирга чиқадиган дастурлардан воз кечилди. Тингловчилар билан бевосита мулоқатга асосланган

эшиттиришлар йўлга қўйилди. Илгарилари интервью олишга ҳам, маълумотлар йиғишга ҳам, уни бир бутун шаклга келтиришга ҳам бир киши масъул бўлар, оқибатда эшиттиришни у “ўзи хоҳлаган қўйга солар” эди. Эндиликда таҳлилий эшиттиришлар ижодий гуруҳлар томонидан тайёрланмоқда. Турли фикрларни муҳокамадан ўтказиб, муносиб деб топилганлари асосида тайёрланаётган эшиттиришларнинг эшитимлиги ортиб, бундан тингловчилар ҳам қониқиш билдиришмоқда. Ҳозирда радионинг замонавий жанрлари – жингл ҳамда турли роликлардан кенгрок ва самаралироқ фойдаланишга ҳам катта эътибор берилаябди.

Малакавий битирув ишимиз давомида “Ўзбекистон” радиоканалида санъат масалаларининг ёритилишидаги ютуқлар билан бирга бир қанча камчиликлар борлиги ҳам эътиборимиздан четда қолмади.

Хусусан:

Биринчидан, ахборот эшиттиришларида турли мавзулар ёритилиб борилсада, улар орасида маданият ва санъатга оид хабар ва янгиликлар бошқа мавзуларга нисбатан сезиларли даражада камроқ ёритилмоқда. Негадир, санъат соҳасидаги хабарлар, янгиликлар ва репортажларга мухбирлар профессионал даражада ёндошмаётганликлари сезилмоқда.

Иккинчидан, юртимиз вилоятларидан берилаётган санъат оламидаги янгиликлар ҳам камроқ ёритилмоқда. Асосий эътибор пойтахт ва хориж воқеаларига қаратилаябди. Бунга сабаб, вилоятларимизда юксак малакали мухбирларнинг сони камлигида деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, айнан санъат ва маданиятни бевосита таҳлил қиладиган оммабоп эшиттиришларнинг камлиги ёки уларни профессионал тарзда ёритмаётганлиги, ихтисослашган журналистларнинг озлиги, яъни санъатшунос-журналистларнинг етишмаслиги.

Тўртинчидан, баъзи эшиттиришларда мазмунан саёз, енгил-елпи эстрада қўшиқларига ўрин ажратилмоқда. Айрим вақтларда қўшиқларнинг кетма-кет эфирга узатилиши натижасида қўшиқ ижрочисининг исм-шарифини билиш қийин кечади. Янги қўшиқлар эса сараланмай, ғоявий бадиий қиймати инобатга олинмай эфирга узатилишини ҳатто куюнчак мухлислар ҳам ўз хатларида айтишгани, газеталарга мақолалар ёзишгани сир эмас. Яна афсуски, турли-туман маслаҳат ва маълумотларга, такрорий рекламаларга тўлиб кетган баъзи эшиттиришлар ҳам мавжуд.

Радио ҳеч муболағасиз, халқ маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган муҳим восита ҳисобланади. Унинг телевидениедан фарқли томони шундаки, фақат жонли сўз ва овоз воситасидагина тингловчига муайян фикр аниқ ва равшан етказилади. Эшиттиришларда эса ошкоралик, халққа яқин фикрлар акс этган тақдирдагина тингловчи улардан эстетик завқ олади, муаллифнинг бадиий маҳорати тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконияти юзага келади. Шу боис ҳам радиода эшиттиришларни халққа яқинлаштириш тамойили етакчи ўрин тутди десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда юртимизда оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишлари учун етарли ҳуқуқий асослар яратилган.

Энг асосий қонунимиз бўлган, Конституцияда ҳам – “Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга...”²² деб белгилаб қўйилган.

Яратилган мана шу каби имкониятлардан фойдаланган ҳолда республикамизда оммавий ахборот воситаларининг босма, электрон ва бошқа турлари ривожланиб бормоқда. Шу жумладан, радиоканаллар ҳам.

Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситалари олдига ҳаётнинг ўзи мураккаб, шу билан бирга ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда²³.

Табиийки, бундай ҳолат журналист аҳлига, ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган ҳар қайси одамнинг зиммасига ҳам шарафли вазифани юклайди.

“Ўзбекистон” радиоканали ўз фаолиятини айрим енгил-елпи радиоканаллардан фарқли ўлароқ, тингловчи талаби, эҳтиёжидан, миллий анъаналаирмиз, урф-одатларимиз нуқтаи назаридан, бугунги кун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиқиб амалга оширмоқда. Ижодий жараёнга холис баҳо бериш мақсадида доимий равишда мулоқотлар ўтказиб турилади. Радиоканал Бадий Кенгаши мунтазам фаолият кўрсатади. Қолаверса, ижодий мулоқотларга ҳам, Бадий Кенгаш ишларига ҳам четдан малакали мутахассислар, экспертлар жалб этилади. Бундан

²² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.; “Ўзбекистон” 2003 йил, VII боб, 29-модда, 8-бет.

²³ www.press-servise.uz.

ташқари, ижодий жамоанинг амалга оширмоқчи бўлган режалари талайгина. Энг чекка қишлоқлардаги тингловчилар билан юзма-юз учрашиш, уларнинг турмуш-тарзи, ўй-фикрларини акс эттирувчи радиоочерклар туркумини эфирга узатиш ва бевосита уларнинг қизиқишлари асосида санъатга оид эшиттиришларни тайёрлаш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, бугунги кунда “Ўзбекистон” радиоканалида адабий – бадиий, маърифий-маънавий эшиттиришларнинг ҳажми ва савиясини кўтариш радиожурналистлар олдида турган муҳим вазифалардан бири. Ана шунда радионинг оммавийлик, долзарблик ва кенгтарқалувчанлик мавқеи асл кучида қолади. Бу борада эса, фаолият олиб бораётган журналистларда маҳорат ва қобилият етарли. Фақат улар ижодий изланишдан тўхтамасликларини истардик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов. “Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили”. Т.; “Ўзбекистон”, 1995 й.
2. И.А.Каримов. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида”. Т.; “Ўзбекистон”, 1998 й.
3. И.А.Каримов. “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби”. Т.; “Ўзбекистон”, Т.5 1997 й.
4. И.А.Каримов. “Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда”. Т.; “Ўзбекистон”, 1999 йил.
5. И.А.Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. Т.; “Ўзбекистон”, 2000 й.
6. И.А.Каримов. “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” Т.; “Ўзбекистон”, 2007 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.; “Ўзбекистон”, 2003 йил.
8. “Тўртинчи ҳокимият”. Т.; “Меҳнат”, 2003 й.
9. Э.Фихтелиус. “Радио ва тележурналистика асослари, журналистиканинг 10 қондаси”. Т.; “Шарқ”, 2002 йил.
10. “Радиожурналистика асослари”. Маърузалар матни. Т.; 2002 йил.
11. “Ўзбекистон санъати”. Т.; “Шарқ”, 2001 й.
12. “Ўзбекистон” радиоканалининг 2007-2008 йиллардаги эшиттиришлари.

Интернет манбалари:

13. www.mhr.ru
14. www.press-servise.uz
15. www.ziyo.com.uz
16. www.mtrk.uz
17. www.jurnalist.uz
18. www.link.msk.ru